

агар сугурта товони жабрланувчи ёки наф олувчи томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида асоссиз равишда тўланган бўлса, ортиқча тўланган сугурта товони ҳақида сугурталовчига хабар қилиши ва ортиқча тўланган маблағларни сугурталовчига қайтариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Иш берувчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

9. Сугурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисага доир ахборотни текшириш;

сугурта мукофотини аниқлаш учун сугурта хавфини баҳолаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

Сугурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Сугурталовчи:

мажбурий сугурта қилиш шартномаси шартлари билан иш берувчини таништириши, шу жумладан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

сугурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи сугурта товонини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асосланган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қондаларининг 34-бандида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва сугурта товонини тўлаши;

ўзи алмаштирилган тақдирда бу ҳақда иш берувчига дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Сугурталовчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

11. Томонлар мажбурий сугурта қилиш шартномаси бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

12. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

7. Якуний қоида

13. Ушбу шартномани ўзгартириш, бекор қилиш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби сугурта бўйича эътирозларни кўриб чиқиш тартиби, ушбу шартнома бўйича кўрилган зарар миқдорини аниқлаш ва сугурта товонини тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган, ушбу шартноманинг узвий қисми ҳисобланадиган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қондаларига мувофиқ белгиланади.

8. Томонларнинг реквизитлари:

| | |
|---|---|
| <p>«Ўзагросугурта» Акциядорлик Жамияти «Бўстонлик» сугурта маркази</p> <p>Манзили: Бўстонлик тумани, Ғазалкент ш.</p> <p>Мустақиллик 50/54уй</p> <p>тел: 74-21966 факс:74-20626</p> <p>х/р 20 216 000 000 101 171 023</p> <p>МФО 00455 СТИР: 200794771</p> <p>Микрокредит банк Тошкент вилоят филиали ОКОНХ:96210</p> | <p>Иш берувчи: <u>Қайнарсой Қароргохи</u> <u>«Сувоқова» ишлаб чиқариш корхонаси</u></p> <p>Манзили: <u>Бўстонлик тумани, Сижжак</u> <u>ҚИШЛОҒИ</u></p> <p>Тел: 239 21 87 факс: 2392133</p> <p>х/р _____</p> <p>МФО _____</p> <p>СТИР: _____</p> <p>_____</p> <p>_____</p> |
|---|---|



менеджер: Ж. А. Имомов

(имзо)

Директор: Т. М. Тилапов
(Ф. И. О. Тилапов)



М.Ў.

(имзо)